УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК САНЪАТКОР ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШ ХУСУСИДА

М.И.Эргашев

Мақолада устоз-шогирд анъаналари воситасида бўлажак созанда ва хонандаларни маънавий тарбиялашнинг долзарб муаммолари ёритилган.

Калит сўзлар: *устоз-шогирд, маънавий тарбия, санъат, созанда, хонанда, санъаткор маънавияти, мусиқа маданияти.*

В статье освещены актуальные проблемы духовного воспитания будущих музыкантов и певцов посредством традиций наставничества.

Ключевые слова: *наставник – воспитанник, духовное воспитание, искусство, музыкант, певец, музыкальная культура.*

This article is devoted to the study of the significance of educating the young artists under the principles of 'master and apprenticeship' traditions.

Key words: *master and attentiveship, spiritual training, art, artist's spirituality, musical culture, youth art.*

Халқ маданий мероси – бебаҳо хазина, у авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келмоқда. Бугунги кунда ёш авлодни миллий мафкура руҳида тарбиялаш, санъат воситасида уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбек анъанавий мусиқа маданияти қадимдан комил инсонни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим-тарбиянинг мазмуни миллий асосга таянган ҳолда ташкил қилиниши лозимлиги уқтирилади. Шунинг учун ҳам санъат ва маданият йўналишидаги ўқув даргоҳларига, "Мусиқа таълими" йўналишлари мавжуд бўлган олий ўқув юртларида таҳсил оладиган талабаларнинг маънавий тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов "Бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман." [1-142] - деган эдилар. Бу даъват бугунги кун ҳар бир санъат кишисини, айниқса, тарбиячи-устозларни огоҳликка чорлайди. Тарбиялаш деганда ҳар томонлама етук – ўзида ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган инсонни етиштириш назарда тутилади.

Тасаввуф тариқатларида тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатларига асосланувчи устоз ва шогирдлик муносабатлари ривожланиб, такомил касб эта бошлади. Инсонни маънавий камол топтиришда тарбиявий таъсирнинг барча шакл, усул ва воситаларидан самарали ва унумли фойдаланиш лозим бўлади. Айниқса, бўлажак санъаткорларни тарбиялашда маънавий-тарбиявий имкониятларга эга бўлган устоз-шогирд анъаналаридан фойдаланиш яхши натижа беради. Ҳар бир хонанда ёки созанда вақтлар ўтиб "Устоз" деган мавқега муяссар бўлади. Чунки санъаткор, аввало, тарбиячи – устоз ва келажак авлодга маънавият улашувчидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир устоз санъаткор устозлик мақомига муносиб бўлиши зарур. Хонанда ёки созандаларнинг саҳнада ўзларини тута билиши, кийиниш маданияти ва улар ижро этадиган асар тингловчиларда жуда катта таассурот қолдиради. Бугунги кунда санъаткор ёшларимиз ўз маънавияти билан бўлажак ёш санъаткорларга ибрат бўлмоқдалар. Улар турли шоуларда ўз мухлисларига бунёдкор ғоялар билан мурожаат қилиб, телевидение, радио, газеталарда бераётган интервьюларида инсоний фазилатларини намоён қилмоқдалар.

Санъаткор тарбиясида ахлоқий фазилатлар, дид ва эҳтиёжларни шакллантириш катта роль ўйнайди. Ҳозирга қадар санъаткорлар маънавий тарбиясининг мазмуни махсус ўрганилган эмас.

Маънавий тарбия – миллат ва жамият томони-

дан яратилган ахлоқий ва завқий неъматларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиб, ундан фойдаланган ҳолда ўзини маънавий-руҳий баркамоллаштиришга эриша олганлик даражасини кўрсатувчи мезондир. Ҳар бир мумтоз мусиқа тарихи, унинг анъанавий ижроси халқ урф-одатлари ва бошқа қадриятлари билан боғланиб, қайси услубга (Фарғона-Тошкент, Хоразм, Бухоро-Самарқанд ҳудудий мусиқий услубига) мансублигидан қатъи назар, тарбиявий аҳамият касб этади. Шу сабабли ўзбек анъанавий мусиқа маданияти ва устоз-шогирд анъаналари орқали ёш санъаткорларнинг ахлоқи, маънавий қиёфасини шакллантириш катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қиладиган чуқур билимга эга, юксак тарбия кўрган санъаткорлар авлодини воягa етказиш вазифаси турибди. Бу вазифани амалга оширишда устозларнинг ўрни каттадир. Бугунги кунда аждодларимизнинг таълим-тарбия тўғрисида бизга мерос бўлиб қолган ёзма манбаларидан устоз ва шогирдлик талаблари белгиланган ибратли қоидаларни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва улардаги илғор тажрибалардан ҳозирги замон таълим-тарбия ишларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий етук устоз хушхулқлиги, хушфеъллиги, ўз-ўзини маънан, руҳан тарбиялаганлиги билан ажралиб туради. Маънавий етук устознинг энг муҳим шартларидан биринчиси – таъсирчан ва залворли нутқ соҳиби бўлиб, шогирд туйғуларини, ўй-хаёлларини жиловлай олиш; иккинчиси – ўқувчининг маънавий оламини бойитишга, хулқи ва одобини такомиллаштиришга ҳисса қўшиш; учинчиси – ўз илми билан ҳар қандай шогирдда қизиқиш уйғота олишдир.

“Қобуснома”нинг ўттиз олтинчи – “Ҳофиз ва созандалик зикрида” номли бобида баён этилишича, мусиқа илмининг устодлари муаллиф яшаган даврда халқнинг ҳар бир табақаси табиатига мос куйлар тузишган экан. Бундай табақалардан бири эса ёш болалар ва нозиктаъб кишилар, яъни аёллар бўлишган. “Бу қавм учун – деб уқтирилади асарда, – таронани ишлаб чиқдилар, токи бу қавм ҳам баҳра олсинлар, роҳат қилсинлар. Чунки ҳамма вазнларнинг орасида таронадин ёқимли вазн йўқдур” [2.121].

Ўз касбининг моҳир усталари бўлган ҳофиз, созанда ва бастакорлар ижодида барҳаёт мусиқий анъаналар ҳар қандай фаолият каби учта асосий тамойилга таянади: ***тингловчи, ижрочи*** **ва** ***яратувчи.*** Ана шу учта тамойил негизида мусиқа санъатининг муштарак жараёни юзага келади.

Ўзбек анъанавий мусиқа маданиятида ижро билан ижодий фаолият меъёрларини белгилаш қийин. Хонанда ёки созанда ўз касбининг сиру асрорларини ўзлаштиришда маълум бир даражага етгачгина чинакам *Устоз* мақомига эришади. Айни шундай чинакам устоз хонанда ва созандалар ўзбек мусиқасини юксак санъат даражасига кўтаришга қодирлар.

Созанда ва хонандалар камолот сари интилишида муқаррар учта босқични босиб ўтадилар:

биринчиси – бирон-бир етук санъаткор, ***устоз изидан эргашиш,*** унинг дастури (куй ва ашулалари) ва услубини ўзлаштириш;

иккинчиси – билим ва малакаларини кенгайтириш, бошқа ***устозларнинг ижодидан баҳраманд бўлиш;***

учинчиси – эришган билим ва тажрибалар асосида ***ўз услубини яратиш.*** Шу мураккаб ижодий жараёнда ўз йўлини топишда устознинг аҳамияти энг муҳим таянч бўлиб хизмат қилади. Устоз тимсоли, унинг ҳурмат ва эътибори анъаналарнинг ўзига хос иймон ва виждони вазифасини бажаради. “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” мақоли бу ҳикматни аниқ ва лўнда изҳор этади.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев шогирдларига шундай деган эканлар: “Куй, қўшиқ ғояси дилда пайдо бўлади ва унинг мўъжизакор руҳи ҳам юракда сақланади. Шунинг учун ҳам куй, қўшиқ созанда ёки хонанданинг дилидан чиқиб, тингловчининг қалбига етиб боради. Чолғучининг қўллари ёки ҳофизнинг овози – куй руҳининг хизматкорларидир. Улар фақат қалб амри билан ичкаридаги туйғуларни ташқарига чиқариши, садолантириши мумкин”*.

Дарҳақиқат, бу “хизматкорлар” ўз ҳунарини қанча маҳоратли, билинтирмасдан намойиш этса (ташқарига чиқарса), шунча “садоқатли” ҳисобланади. Куйнинг равон ҳаракати созанда ёки хонанданинг саъй-интилишлари ва “машаққати» эвазига юзага келади. Аммо тингловчи бу “машаққат”ни кўрмаслиги керак. Акс ҳолда лаззатли соз жараёни хушилҳом эмас, оддий “меҳнат”га айланиб қолади. Доимий ижодий изланиш – ҳақиқий созанда ёки хонанда руҳиятининг асл табиий ҳолати. Ҳаттоки чинакам санъаткор бир куй ёки ашулани икки марта бир хил ижро қилмайди. Унга бир куйни такрорлаб ўтиришнинг умуман ҳожати йўқ. Чунки устозларнинг дастурида бир қанча куй такрорланмасдан ижро этилиши мумкин бўлган бой захира мавжуд. Борди-ю, бир нарсани қайта ижро этиш ҳожати туғилиб қолса, созанда ёки хонанда

*Ўзбекистон халқ ҳофизи Орол Мирзо Сафаров билан бўлган суҳбатдан

уни аввалгидан бошқачароқ талқин этади. Бор ҳолатни такрорламоқ зерикарли ва унинг бадиий жозибаси ҳам паст бўлади. Бу эса устоз шаънига муносиб нарса эмас. Бундан чексиз ижодий изланишни бебошлик деб хулоса чиқариш мумкинми? Йўқ, албатта! Мусиқий ғоянинг талқинида эркинлик қай даражада бўлмасин, унинг асосида қатьий ўзак – асрлар давомида ижодкор ва тингловчи мулоқотида шаклланган қонун-қоидалар мавжуд. Тажрибали тингловчининг қулоғи, унинг бадиий онги бебошликни эркин ижодий бадиҳадан, маҳоратли санъаткорнинг нозик илҳомини тажрибасиз шогирднинг қилиқларидан дарҳол ажратиб олади. Шунинг учун ҳам уч тамойил: яратувчи, ижрочи ва эшитувчи уйғунлигида тингловчига алоҳида ўрин ажратилади. Зеро эшитувчи соз муҳитини, куй ёки ашула тинглаш эҳтиёжини белгиловчи ва пировардда ижрочига ҳолис баҳо берувчи ҳисобланади.

Ўзбек мусиқа санъатида профессионализм қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Аждодларимиз асрлар давомида такомиллаштирган юксак ижрочилик маҳорати, миллийлик ва устоз-шогирдчилик муносабатлари ўзбек анъанавий мусиқа маданиятида яққол акс этган.

Ўзбек анъанавий мусиқа маданиятида халқимизнинг орзу-умидлари, юксак маънавий ва ахлоқий нормалари акс этган, шунингдек, халқ педагогикасининг принциплари ифодаланган. Бу ҳол ўзбек анъанавий мусиқа маданиятига ёшларни маънавий тарбиялашнинг воситаси сифатида қарашни тақозо этади. Келажак авлодни тарбиялашда ўзбек анъанавий мусиқа маданиятидан фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш ғоят муҳимдир. Бинобарин, бўлажак ёш санъаткорларни халқ мусиқаларини тинглаш ҳамда устоз-шогирд анъаналари воситасида тарбиялашнинг асосий принциплари ҳамма вақт ҳам зарурдир. Бу принципларнинг муҳим жиҳатлари халқ мусиқаси асарларини танлаш, улардан ёшларни маънавий тарбиялашда фойдаланишнинг шакл ва усулларини изчил белгилашдан иборатдир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, таълим-тарбия ишида устоз-шогирд анъаналари самарадорлигининг ортиб боришини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса устоз-шогирд анъаналари асосида ўқитиш шакли ва мазмуни, шогирдлар билан ишлаш методикаси ва таълим технологиялари, мусиқа дарсларида бу анъаналардан фойдаланишнинг педагогик аҳамияти, устознинг педагогик маҳорати ва санъати ҳақида билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т .: Маънавият, 2008.- 173 б.
2. Кайковус. Қобуснома.- Т.: Истиқлол, 1992.- 170 б.
3. Абдуллаев Р.С. Ўзбек мумтоз мусиқаси. - Т.: Янги нашр, 2008.- 110 б.
4. Бегматов С., Матёқубов М. Ўзбек анъанаваий чолғулари. - Т.: Янги нашр, 2008.- 70 б.
5. Исроилова Х. Анъанавий ҳофизлик санъати. - Т.: Ворис-Нашриёт, 2007.- 47 б.
6. Мирҳайдарова З.М. Жаҳон халқлари мусиқа санъатининг ривожланиш жараёни. – Т.: ЎзДК нашриёти, 2009.- 194 б

Андижон давлат университети,
2016 йил 14 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. З.Азимова)